*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 84 (9830). • 1990 йил 2 май • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

*Қизил майдонда сайил*

## ТАШВИШ ВА УМИД БАҲОРИ

Бу йилги Биринчи Майнинг ўзига хос таровати бор. Жаҳон меҳнат аҳлининг халқаро бирдамлик куни Биринчи Май оммавий байрам қилинганига юз йил тўлганлиги учунгина шундай эмас. Жамиятимиз янгиланмоқда. Ўзимиз ҳам ўзгариб бораяпмиз. Қолоқлик исканжасини улоқтириб ташлаб, мустақил ўйлайдиган бўлиб қолдик, олдиндан ёзиб қўйилган нутқлардан, тадбирбозликдан воз кечаяпмиз, яқин ўтмишда ана шундай нутқлар ва тадбирбозликлар ҳаммани ва ҳамма ишни, ҳатто Биринчи Майни ҳам ўзига бўйсундириб олган эди. Гарчи бу гал байрамни мураккаб шароитда, кўпдан-кўп ижтимоий, иқтисодий, миллий муаммолар гирдобида кутиб олаётган бўлсак ҳам, қайта қуриш шарофати билан турмушимизга кириб келаётган ижобий ўзгаришлардан умидимиз катта.

Жамиятимиз янгиланаяпти, ўзимиз ўзгариб бораяпмиз. Бинобарин, энди дабдабабозлик, тантанабозликдан, яқиндагина Биринчи Май кунлари учун ҳам одат бўлиб қолган мана шу иллатлардан воз кечган москваликлар ҳар тарафдан Қизил майдонга тўпланишди. Каттакон матога К. Маркс, Ф. Энгельс,В. И. Ленин сиймолари туширилган. Давлат универсал магазини ва давлат тарих музейи пештоқларига ўрнатилган ранг-баранг панноларда Тинчлик, Меҳнат, Дўстлик, Қайта қуриш мавзулари акс эттирилган. Кремль девори СССР халқларининг кўзни қамаштирувчи миллий нақшлари билан безатилган. Сенат минорасининг қоқ ўртасига СССР Герби қўйилган. Олий Совет биноси узра мамлакатнинг давлат байроғи ҳилпираб турибди.

Қизил майдонда тўпланган одамлар бамисоли денгизнинг мавжланишини эслатади. Илгариги пайтларда байрамдан анча аввалоқ намойиш қатнашчиларининг рўйхатлари осиб қўйилар, намойишга чиқиш ҳақидаги буйруқни бажармаган кишиларга тазйиқ ўтказиларди. Мана шу тантанабозликлардан ғоят чарчаган эдик. Кети узилмайдиган баҳайбат плакатлар, макетларни айтмайсизми. Мана шунинг оқибатида бу шодиёна байрамнинг илк моҳияти Тинчлик! Меҳнат! Бирдамлик! сўзларидан иборат эканлиги ортиқча дабдабабозликдан хиралашар эди. Бугун эса Москванинг меҳнат аҳли мамлакатдаги мураккаб вазият ҳақида, ижтимоий тангликдан қутилиш йўллари тўғрисида ўз фикрини айтмоқ учун ихтиёрий равишда Биринчи Май байрамига чиқди.

Қайта қуриш жараёнида ўзининг «узатмачилик» юмушидан аста-секин ҳалос бўлиб, чинакам жанговар хислатини намойиш қила бошлаган Москва касаба уюшмалари бу галги митинг — сайлнинг ташкилотчилари бўлдилар. СССР Президентининг «Москва худудидаги оммавий намойишлар Садовое кольцо доирасида ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонига биноан митингга ва ундан кейин ўтказиладиган намойишга СССР Министрлар Совети ижозат берди.

Москва шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг даъватига биноан халқ хўжалиги ҳар хил тармоқларининг меҳнатчилари эрталаб соат саккиздан бошлаб тўпландилар ва сўнгра Кремль томонга йўл олдилар. Улар министрлар, тармоқ штабларининг раҳбарлари билан биргаликда москваликларнинг: «Яшасин демократия, йўқолсин сафсатабозлик!», «Тажрибабозлик етар, ишлаш керак!», «Нархнаволарни касаба уюшмалари назорат қилсин!», «Бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлаймиз, ишсизликка йўл қўймаймиз!», «Ёшларнинг муаммоларига эътибор берилсин», «Пинҳона иқтисодиёт корчалонлари жавобгарликка тортилсин», «Умумбашарий қадриятлар тантана қилсин!», «Қудратимиз — бирликда» деган фикрлари, шубҳа-гумонлари ва ташвишларини ифодалайдиган плакатлар ва транспарантлар билан Қизил майдон атрофида саккиз оқим бўлиб саф тортдилар.

Эрталаб соат 10. Мавзолейнинг марказий минбарига СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**, СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков**, СССР Олий Советининг Раиси **А. И. Лукьянов**, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига номзодлар, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, Россия федерацияси, Москва раҳбарлари, пойтахт меҳнат коллективларининг намояндалари чиқдилар.

Байрам меҳмонлари орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, СССР ва Москва Советининг халқ депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари бор. Чет эллик меҳмонлар, СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам шу ерда.

Москва шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг раиси **В. П .Шчербаков** митингни очди. ВЦСПС Раиси **Г. И. Янаев** микрофон ёнига келади.

— Бугун, — деди у, — меҳнаткашларнинг бирдамлиги, бирлиги ва қардошлигини намойиш қилиш учун қайта қуриш йўлида ўз меҳнати билан курашаётган кишилар Қизил майдонга йиғилдилар. Бозор иқтисодиётига ўтилишининг биринчи босқичида мамлакат аҳолисининг энг кам даромадли табақалари фаровонлигига таъсир қилишини ҳаммамиз тушуниб турибмиз. Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳимояланиш системасини вужудга келтириш, уларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ВЦСПСнинг, совет касаба уюшмаларининг вазифасидир. Башарти биз меҳнаткашларнинг Конституцияда кафолот берилган меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини зўр қатъият билан талаб қилмасак, касаба уюшмалари бўлмай қоламиз.

ВЦСПС Раиси Ер куррасидаги барча кишиларни башарият тараққиётининг инсонпарварлик ва демократик мақсадларига эришмоқ учун янада зўр ғайрат билан биргаликда ҳаракат қилишга чақирди.

Машҳур «Трехгорка» тўқувчиси **О. В. Замохотова** Москва архитектура институти талабалар касаба уюшмаси комитетининг раиси **Г. Ф. Будяк** пойтахт меҳнаткашларининг ишлари ва режалари ҳақида гапирди. Жаҳон касаба уюшмалари

(Давоми иккинчи бетда).







● ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар намойиши.

В. Молгачёв ва Р. Нуриддинов (ЎзТАГ) суратга олган.

## ТОШКЕНТДА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Яна — Биринчи Май, халқнинг энг севимли байрамларидан бири. Одамлар ўзларининг эзгу орзу-умидларини мана шу байрам билан боғлайдилар.

Меҳнаткашлар халқаро бирдамлик куни ўзининг шонли тарихига эга. Бу кун иккинчи интернационалнинг 1889 йил 14—21 июль кунлари Парижда ўтган конгрессида белгиланган эди. Келгуси йилдаёқ у бир қанча мамлакатларда кенг нишонланди. Бу йилги Биринчи Май алоҳида эътиборга сазовор, чунки бу байрам юзинчи марта нишонланмоқда.

Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни мамлакатимизда турлича байрам қилиниб келди: инқилобга қадар чор ҳукумати маъмурларига қарши қаратилган бўлса, шундан кейин одамларнинг қувноқ оқими кўчалар, майдонлар ва хиёбонларни тўлдирди.

Бугунги кунда май байрами бутунлай бошқача вазиятда нишонланмоқда. Биз партия ташаббуси билан мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш шароитида бу байрамни олтинчи марта нишонлаяпмиз. Жамиятда мураккаб, чинакам инқилобий жараёнлар содир бўлмоқда, демократия, ошкоралик тобора кенг қулоч ёймоқда. Эндиликда ҳозирги давримизни шуларсиз тасаввур қилиш қийин. Биз орзу қилаётган барча мақсадларни амалга ошириш осон бўлмаяпти. Бу айниқса иқтисодиётга тааллуқлидир. Қайта қуриш йўлида муваффақиятсизликлар, хатолар бўлиши мумкин. Шунга қарамай, бош йўл тўғри танланган, стратегия ишлаб чиқилган, энди эса ҳаммамиз барча режалар рўёбга чиқарилиши учун кўп ва қизғин иш олиб боришимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида ўртага қўйилган мақсадларнинг аниқлиги барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашларига ҳам жараёнлар қанчалик қийин кечмасин, қайта қуриш пировард натижада муваффақият қозонишига ишонч бағишлайди. Тошкентликлар айни шундай кайфият билан ўзлари меҳнат қилаётган завод ва фабрикалар, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари олдига тўпландилар. Улар бу ердан саф-саф бўлиб, Ўзбекистон пойтахтининг бош майдонига борадилар.

Кейинги йилларда Тошкентдаги анъанавий Биринчи май намойишлари дабдаба-

(Давоми иккинчи бетда).

### МОСКВАДА БИРИНЧИ МАЙ МУШАКБОЗЛИГИ

Пойтахтнинг тунги осмонига рассомнинг мўйқалами югуртирилгандек бўлди, мушакларнинг ранг-баранг шуълалари ажиб бир манзара ҳосил қилди. 1 май куни Москва меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунини шарафлади.

Шаҳар кўчалари, майдонлари ва шоҳйўллари узра байрамона шуълалар йигирма марта кўтарилиб, осмонда ғаройиб нақшлар ҳосил қилди. Тўплардан ҳар сафар отилган мушаклар минглаб томошабинлар кўз ўнгида бир лаҳза намоён бўлиб, сўнгра сўнар ва яна шу манзара қайтадан такрорланарди.

Қаҳрамон шаҳарларда ва иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ҳам байрам мушакбозлиги бўлди.

(ТАСС мухбири).

## Ноҳия ва шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференциялари

### ОҚҚЎРҒОН НОҲИЯСИ

XXXIV Оққўрғон ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Н. Бердиқулов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, А. Н. Дон ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, илгари марказий ноҳия шифохонаси бош врачининг ўринбосари бўлиб ишлаган М. Султонсаидова ноҳия партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегатлар қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия этилди.

Ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди. Пленум илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси бўлиб ишлаган Т. Йўлчиевни комиссия раиси қилиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети бюросининг аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Совети ижроия комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

### ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

XXV Олмалиқ шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан А. А. Абдувосиқов шаҳар партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, Ю. Н. Беланов шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, икки номзоддан В. А. Манахова шаҳар партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартияси XXII съездига, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия қилинди.

Шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди, партия комитетининг бўлим мудирлари тасдиқланди.

Шунингдек, шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди. Пленум илгари шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси бўлиб ишлаган Л. М. Верхоновскаяни комиссия раиси қилиб сайлади.

Конференция да Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг котиби В. Г. Гордиенко сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари А. Я. Мансуров ва В. И. Терешченко қатнашдилар.

### ОРЖОНИКИДЗЕ НОҲИЯСИ

XXXIV Оржоникидзе ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Г. С. Миразимова ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, О. Н. Пузанков ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, А. А. Орифжонов ноҳия партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат этиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети бюроси аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Г. Айдаков нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими В. А. Лозицкий қатнашди.

### ОКТЯБРЬ НОҲИЯСИ

XXXXI Октябрь ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Ҳ. С. Орипов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, Е. А. Лойко ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, Ҳ. С. Атаматова ноҳия партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияларига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия этилди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди, пленум илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси бўлиб ишлаган Ё. У. Усмоновни комиссия раиси этиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюро аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов қатнашди ва нутқ сўзлади.

### ҲАМЗА НОҲИЯСИ

X Ҳамза ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан икки номзоддан Б. Ю. Юсупов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, уч номзоддан Ю. И. Степаненко ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси (у илгари «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика-йиғув цехи бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган), Р. М. Раҳмонова ноҳия партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияларига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат этиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия қилинди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси бўлиб ишлаган З. С. Каримовани комиссия раиси этиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг аъзоси Г. В. Шевелёва ва Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси Ф. Н. Нажимитдинов қатнашдилар.

### АКМАЛ ИКРОМОВ НОҲИЯСИ

V Акмал Икромов ноҳия ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Қ. М. Рафиқов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, В. А. Мишин ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, Т. Т. Султонова ноҳия партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси, илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган Г. И. Медников ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияларига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия қилинди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташкилий-совет ишлари ва ҳудудий тараққиёт бўлимининг мудири Ҳ. К. Камолов ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюро аъзолигига номзод, шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси В. А. Шалупов қатнашдилар.

*Ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференциялари*

# ДАВР ЛОҚАЙДЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

## ПИСКЕНТ НОҲИЯСИ

Мўъжазгина райком биносига кирар эканман, бу ерда тўпланишиб турган кишиларни кўрдим. Бу ерга йиғилган Пискент ноҳия XXXIV партия конференцияси қатнашчилари ноҳияда ва ўз коллективларида йиғилиб қолган муаммолар ҳақида баҳслашишарди. Ноҳия партия ташкилоти конференциясида 1988 йил ноябридан шу кунгача қилинган ишлар ҳақида қатнашчилар олдида ҳисоб берилиши керак эди. Шу билан бирга фикрлар хилма-хиллиги шароитида ҳамда жамиятимизда турли хил оқимлар, кучлар мавжуд бўлган пайтда ноҳия партия ташкилоти олдида ўз мавқеини сақлашдек вазифа ҳам турибди.

Бундан бир неча кун илгари «Меҳнат байроғи» газетасида ноҳия партия ташкилотининг ҳисобот маърузаси чоп этилган эди. Газета саҳифаларини кўздан кечирар эканмиз, айни пайтда партиядаги аҳвол ва шу кунларда ноҳияда тўпланиб қолган муаммолар ҳақида тасаввурга эга бўламиз. 1989 йил ноҳияда пудрат асосида 230 та бригада, 5 звено оила пудрати 1062 та жамоа, ижарада эса 20 жамоа меҳнат қилди. Натижа ёмон бўлмади. Ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлиги анча кўпайди. Бу кишиларда ерга эгалик ҳисси ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ шунга қарамай, маҳсулот таннархи ошиб бормоқда. Ўтган йили 1988 йилга нисбатан пахта таннархи 6 фоизга, ғалла 10 фоизга, гўшт 8 фоизга, тухум эса 36 фоизга ошибди. Бунинг асосий сабаби кейинги вақтларда минерал ўғитлар, техникалар, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари харид нархларининг кўтарилиб кетганлигидадир. Шу билан бирга гўшт ва сут маҳсулотларининг таннархи қимматлашишига озуқа экинларининг ҳосилдорлиги пастлиги ва сифати ёмонлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошиб бораётган, ҳар хил сиёсий қарашлар юзага келаётган ҳозирги шароитда мафкуравий иш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ бу ишда ҳам бир қатор камчилик ва расмиятчиликлар учраб турибди. Масалан, кейинги вақтларда ягона сиёсий кунларнинг таъсири камайиб кетди. Маърузада буни тезда олдини олиши кераклиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шу пайт конференция қатнашчиларини ичкарига таклиф қилишди. Конференцияда маъруза юзасидан муҳокама бошланди. Ўз сўзида ноҳия бош пиллахонасининг директори Отабек Арслонов шундай дейди:

— Кейинги пайтларда партия обрўси тушиб кетди деган гаплар ҳамма ерда айтилмоқда. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, партиянинг обрўси 50-йиллардаёқ пасая бошлаган эди. Ўша йиллари ҳар бир дарахт ҳисобига солиқ солиш бошланди. Буни деҳқонлар яхши қабул қилмадилар. Ёппасига мевали дарахтларни кесиш бошланди. Бундан келиб чиқадики, нотўғри чиқарилган ҳар бир қарор турмушимизга жиддий зиён етказади. Худди шундай қарор кейинчалик қорамолларни боқиш ҳақида ҳам чиқди. Уйда боқиш ман қилинди. Булар партия ва ҳукуматимиз обрўсига жуда катта зиён етказди. Булар илгари бўлганди. Ҳозирчи? Ўтган йили биз худди шу залда пилланинг давлат харид баҳоси ошади деб ваъда бергандик. Лекин ошдими? Йўқ. Куни кеча биз Москвадан хат олдик. Пилланинг харид нархи 1991 йилдан ошар экан. Шу мисоллардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳуда-беҳудага ўйламасдан қарор қабул қилиш яхшиликка олиб бормайди. Партия-ҳукуматимизнинг обрўсини туширади, холос. Биз халққа ҳеч қачон ёлғон ваъда бермаслигимиз керак.

Кейинги сўз «Меҳнат байроғи» газетасининг муҳаррири Тўхташ Қосимовга берилди.

— Кейинги пайтларда ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиблари мафкуравий иш билан шахсан ўзлари шуғулланишлари кўнгилдагидек иш бўлди. Зотан ҳеч қачон мафкуравий ишни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу икки муҳим ишга бирдек қаралсагина яхши натижаларга эришиш мумкин.

Энди КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида. Лойиҳада ўзида кам сонли КПСС аъзоларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилотлари ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Менинг фикримча, бундай партия группаларнинг бир нечтаси соҳалар бўйича бирлаштирилса, айни муддао бўлади. КПСС аъзолари сони 10—15 тага етса Устав лойиҳасида кўрсатиб ўтилган аъзолик бадалининг 50 фоизи ҳам шу партия ташкилоти ихтиёрида қолиб, анчагина салмоқли миқдорни ташкил этган бўларди.

— Мен сиёсий ўқишни колхозчиларнинг ишдан бўш пайтларини ҳисобга олиб, қишнинг бир ойи мобайнида ҳар куни ўтказилишини таклиф қиламан, — деди Тельман номли колхоз партия ташкилоти котиби Н. Эгамқулов.

Навбатдаги сўз Пискент шаҳар ижроия комитети раисининг муовини Юрий Тепперга берилди.

— Кейинги пайтларда шаҳримизда анчагина муаммолар йиғилиб қолган. Булар аҳолини ичимлик суви, газ, уй-жой билан таъминлаш ва ободонлаштириш масалаларидир. Лекин шу ўринда ачиниш билан таъкидлаб ўтиш керакки, шаҳарчамиздаги айрим саноат корхоналари хўжалик ҳисобига ўтганларидан сўнг шаҳримизни ободонлаштириш ишларига маблағ ажратишни пайсалга солмоқдалар. Бу нарсага барҳам бериш пайти келмадими? Яна бир масала, бу ҳам бўлса марказий кутубхона қурилишидир. Ушбу бино қурилиши бошланганига анча вақт бўлди. Лекин ҳали ҳам пайсалга солинмоқда.

— Бегуноҳ қораланган ноҳиямиз коммунистларининг пок номлари оқланишини, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ҳамда хўжаликларда кўп йиллар мобайнида фидокорона меҳнат қилган кекса коммунистларнинг аҳволидан хабар олиб туришни янги сайланадиган раҳбарият ўзининг бурчи деб билса тўғри бўларди, — деди нон комбинати ишчиси А. Маҳмудов. — Устав лойиҳасида 40 йил КПСС аъзоси бўлган коммунистга «КПСС ветерани» унвони берилиши айтилган. Шунга мен яна «40 йил фаол КПСС аъзоси бўлган» деб тузатиш киритилишини сўрайман. Чунки КПСС аъзоси бўла туриб партия ташкилоти ишида фаол қатнашмаса унга қандай қилиб бундай унвон берилиши мумкин. Шу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан **Т. Холбоев** ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, **М. О. Ҳайдарова** ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, **Х. У. Акромов** ноҳия партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайланиб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия этилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг иккинчи котиби **В. Г. Гришчук** қатнашди ва нутқ сўзлади.

**Н. РАФИҚОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# АДОЛАТ БИРЛАМЧИ БЎЛСА...

Сўлим табиати туфайли довруғи кенг тарқалган ноҳиянинг бир тунда ҳаловати бузилди. Ўн кун муқаддам бу ерда сел тушиши туфайли 1400 дан ошиқ уйларни сув босди. Уларнинг 300 дан ошиғидан энди умуман фойдаланиб бўлмайди. Бу иморатларни буткул бузиб, янгидан қуриш керак. Қорамол фермалари ва қўйхоналар, мактаб ва боғчалар селдан зарар кўрди. Йўллар бузилди. Ҳайриятки, бу табиий офат натижасида аҳоли орасида қурбонлар бўлмади.

—Оила аъзоларининг қанчалик аҳиллиги бошга оғир кун тушганда билинади дейишади,— деди «Ленинград» хўжалиги колхозчиси **Шарифа Исомова.**— Партиямиз мустаҳкам ва оқибатли экан. Унинг раҳбарлари ва кўпгина партиядош ўртоқларимиз ташвишли онларда бу ерга биринчилар қаторида етиб келишди. Коммунистлар офат кунлари тунни кунга улаб ишладилар. Аммо шу ўринда яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Агар сел йўлини Чирчиқ ўзанига тушириб юборадиган канал бўлганда бу офат ҳам бўлмасди. Бу ҳақда илгари кўп гапирилган. Муаммоларимиз кўп эди, офат туфайли улар сони янада кўпаядиган бўлди. Бошпанасиз қолганларни уй-жой билан таъминлаш керак, касалхона ва мактаблар қуриш лозим...

XXVII Бўстонлиқ ноҳия партия конференцияси делегатлари сел оқибатларининг тугатилиши борасида қилинаётган ишлар ва шу муносабат билан режалаштирилиши лозим бўлган масалалар ҳақида гапирдилар. Улар бундан ташқари ноҳия партия ташкилоти ҳисобот даврида бажарган ишларга холис баҳо ҳам беришди.

Маълумки, 1989 йил 8 август куни «Бўстонлиқ ва Паркент ноҳияларини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ва экологиясини соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама этган партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтганди. Табиийки, унда яхши қарорлар қабул қилиниб, аниқ тадбирлар белгиланди. Аммо, ушбу қарорнинг баъзи бандлари турли баҳоналар билан бажарилмай қоляпти. Масалан, ноҳияга жумҳурият аҳамиятига молик курорт зонаси мақоми ҳали берилганича йўқ. Шунингдек 1989 йилнинг охиригача «Ленинград» колхози ҳудудида жойлашган зарарли чиқиндилар қабристонини бошқа жойга кўчириш масаласини кўриб чиқиш ҳам тегишли юқори ташкилотларга топширилган эди. Афсуски, бу масалалар ҳамон жойидан жилмаяпти. Делегатлар сув тошқинидан сўнг сув остида қолган ушбу қабристоннинг қанчалик хавфли эканлиги ҳақида савол билан мурожаат қилганларида, ноҳия партия комитети биринчи котиби А. Йўлчиев «ҳозирча хавфсиз, лекин шундай бўлиб қолаверади дейишга кафолат йўқ» деган жавобни қилди...

Конференция қатнашчилари ўзларини ташвишлантираётган кўплаб масалалар билан ўртоқлашдилар.

— Ноҳия партия ташкилоти мафкура соҳасидаги фаолиятини ўзгартириши керак,— деди Чорвоқ қўрғони Совети раиси **Тоҳир Ашırбоев.**— Сиёсий ўқиш билан коммунистларни қийнаяпмиз. Партия аъзоларининг билим савияси ҳар хиллиги инобатга олинмаяпти. Ягона сиёсий кунларнинг ўтказилиш тартиби ҳақида эса бир ярим йил олдин ҳам гапиргандим. Сайлов органларининг айрим аъзолари жамоаларда бўлишган пайтларда уларнинг меҳнат ва маиший шароитлари билан етарли даражада қизиқишмаяпти. Оқибатда ягона сиёсий кунлар кўпинча юзаки характерга эга бўлиб, одамларда унга бўлган қизиқиш сўняпти.

Анжуман иштирокчилари партия ички масалаларига ҳам ўз муносабатларини билдиришди. Бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири ўз сафини сиёсий ташкилотчилик жиҳатидан мустаҳкамлашдан иборат эканлиги таъкидланди. Уларнинг кўпчилиги КПСС сафига кирувчиларнинг қайта қуришдаги аниқ иштирокини баҳолаганлари ҳолда талабчанликни кучайтирмоқдалар. Шу билан бирга партияга қабул қилинувчи тўғрисида меҳнат жамоаларининг фикрини инобатга олишга ҳам эътибор берилмоқда.

Ноҳияда эксперимент тарзда ўтказилаётган қабул жараёни ҳам ҳозирча ижобий самара бераётгани йўқ. Ўтган 6 ой мобайнида эксперимент тарзда қабул қилинганлар орасида ишчилар сони камайиб кетди. 29 нафар КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилинган кишининг атиги 2 нафари ишчи, 5 нафари аёл, яна 5 киши эса ёшлардан иборат, холос.

Конференцияда бошланғич партия ташкилотларида қайта қуриш суст бораётгани ҳам таъкидланди. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Энг аввало ташаббускорликнинг йўқлиги, айрим котибларнинг ҳануз юқоридан кўрсатма кутиб ўтирганликлари, партия ташкилотларининг меҳнат коллективларидаги таъсирининг сезилмаётганлиги, сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг суст олиб борилаётганидадир.

КПСС сафини мустаҳкамлаш ва унинг поклигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни қайта қуришда коммунистлар аттестацияси ҳам қўл келмоқда. Ноҳияда шу пайтгача тузилган 56 та аттестация комиссияси 1625 коммунистни синовдан ўтказди. Бу 54 фоизга тўғри келади. Улардан 163 киши шартли равишда аттестациядан ўтди. 33 коммунист эса (2 фоиз) аттестациядан ўтмай қолди. Аттестация якунига кўра 196 коммунист партия йиғилишларида кўриб чиқилиб, муҳокама этилди ва чоралар қўлланилди. Ноҳия партия комитети бюроси аттестация якунига кўра 9 кишини КПСС сафидан чиқарди, 24 киши эса қайтадан аттестация қилинди.

XXVI ноҳия партия конференциясидан кейин аҳоли истиқомат жойлари ва меҳнат жамоаларида ўттиздан зиёд учрашувлар ўтказилди. Унда ноҳия партия комитети котиблари, сайлов органларининг аъзолари фаол қатнашдилар. Натижада ўтган ҳисобот даври мобайнидагига қараганда хат ва аризаларнинг сони 89 тага камайди.

Меҳнат баҳслари ҳусусида ноҳия партия комитетига 24 ариза тушди. 12 та хатда маъмурий органлар ишидаги камчиликлар тўғрисида фикр юритилган. Бундай сигналлар, айниқса социал-маданий ва маиший шароитлари ночор бўлган қишлоқ ва участкалардан (Такаёнғоқ, Тепар, Боладала, Чақчам, Қорамазор, Полвонак, Майдонтол) келиб турибди. У ерларда муаммолар кўп. Уларни ҳал этиш катта маблағ ва вақт талаб этади. Бу қишлоқларнинг барчасида

## БЎСТОНЛИҚ НОҲИЯСИ

аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган.

Халқ назорати органининг фаолияти бир мунча жонланганлигига қарамай постлар ва гуруҳларнинг, комитет штатсиз бўлимларининг рейд ва текширишларни самарали ўтказмаётганликлари ҳам таъкидлаб ўтилди. Искандар қўрғон Совети халқ назорати гуруҳи раиси **А. Шишкина** конференция минбаридан туриб, халқ назорати ноҳия комитети раиси К. Б. Бердалиевга ишни тубдан яхшилаш борасида наказ ҳам берди.

Сўзга чиқувчилар ноҳия меҳнаткашларини қийнаб келаётган бошқа муаммолар ҳақида ҳам гапирдилар. Хусусан, «Қизил ту» колхози сабзавотчилик бригадири **Гулзипа Оғабекова** ўзлари етиштираётган помидор ҳосили консерва заводларида қабул қилинмай, 1—2 сутқалаб туриб қолаётгани, оқибатда лабораторияда стандарт эмас деб, ҳам ҳақидан, ҳам вазнидан уриб қолинаётгани, яшчиклар стандарт эмас деб қийнашаётгани ҳақида куюниб гапирди. Бурчмулладаги «Алмаз» заводи техник картологи **Светлана Александровна Шредер** эса, корхонада меҳнат қилаётган 400 нафар ёшларнинг яшаши учун уй-жой йўқлиги, қурилиш учун участкалар ажратила бошланганига қарамай, қурилиш материаллари етказиб берилмаётганлиги, ноҳия ижроия комитети бу масалада ёрдам бериши лозимлиги тўғрисида сўзлади.

«Ғазалкент» агросаноат комплекси бош директори **Қурбонбой Мирзааҳмедов** насос станцияларидаги мавжуд насослар турлари ҳозирги пайтда ҳеч қайси заводда ишлаб чиқарилмаётгани, Сув хўжалиги вазирлиги орқали ушбу муаммони ҳал қилиш лозимлиги хусусида, Фрунзе номли колхоз партия ташкилотидан делегат қилиб сайланган ветеран **Нурман Қораевич Дуйсебаев** анчадан бери ваъда қилинаётганига қарамай, қозоқ тилида газета ёки журнал чоп этилмаётгани тўғрисида, «Правда» газетасининг 50 йиллиги» номли совхоз кадрлар бўлими бошлиғи **Иномжон Азметов** мавжуд ретранслятор бир кун ишлаб, бир кун ишламаслиги сабабли одамлар мунтазам телевизор кўролмаётганликлари ҳақида гапирдилар. Умуман, шу куни йигирмага яқин делегат сўзга чиқди. Аммо, уларнинг кўпчилиги партия конференциясини қизиқтирувчи туб мавзулардан четта чиқиб кетишди. Минбарга мактуб йўллаган делегатлардан бири «конференция баъзан партия хўжалик фаоллари йиғилишига ўхшаб қоляпти» дегани ҳам бежиз эмас.

Шу куни конференцияда иштирок этган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзоси, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари **И. Ҳ. Жўрабеков** ва Тошкент вилоят партия комитети бюроси аъзоси, халқ депутатлари вилоят Совети ижроия комитети раиси **С. Д. Сайдалиевлар** ҳам нутқ сўзлашди.

— Ноҳия партия ташкилотидаги коммунистлар аввало халқ фаровонлигини ошириш, уларни ичимлик сув ва газ билан таъминлаш ҳақида бош қотиришлари керак,— деди И. Ҳ. Жўрабеков.— Бу қандай гап ахир: ноҳия маркази атрофидаги қишлоқларга ҳам махсус машиналарда сув ташилар экан. Шаҳарлар ва катта қўрғонларда касалхоналар ва поликлиникалар бор-у, қишлоқларда йўқ. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Социал эҳтиёжлар учун аввал 10 фоизгина маблағ ажратардик. 1990 йилдан бошлаб, бу кўрсаткич 43 фоизни ташкил қилаяпти. 1991 йилдан бошлаб эса бу мақсадлар учун 56—75 фоиз маблағ сарфлашни мўлжаллаяпмиз. Энди Бўстонлиқда ҳеч қандай заводлар қурмай, аввало экология, қолаверса, халқ фаровонлигини янада оширишни ўйлаш керак.

С. Д. Сайдалиев эса социал адолат принциплари ҳақида фикр билдирди.

— Шу принципга риоя қилинса ҳеч қандай жанжал ва тўқнашувлар ҳам бўлмайди,— деди у.— Аммо, бизда кўпинча бунга парво қилинмаяпти. Банклар орқали қарзлар (ссуда) бераяпмиз, бироқ уларни эҳтиёжи бор одамлар эмас, маблағ билан етарли таъминланган одамлар олаётгани ҳақида фактлар бор. Буларни яхшилаб ўрганиб, чора кўриш керак.

Делегатлар конференциянинг ўзида райком котиблари номзодлари кўрсатилиб, улар яширин овоз бериш йўли билан сайлансинлар деган таклиф киритдилар. Бу ҳаммага маъқул тушди. Биринчи ва иккинчи котиб лавозимларига биттадан номзод кўрсатилди. Райком котиблигига эса, бир йўла уч киши номзоди таклиф қилинди. Булар 19-мактаб директори Шуҳрат Душленович Муслимов, халқ депутатлари ноҳия Совети катта референти Кимё Муҳиддиновна Насриддинова, ноҳиядаги «Коммунизм учун» газетаси муҳаррири Патхулла Шамсиевич Нурматов номзодлари эди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра **Акбарали Йўлчиевич Йўлчиев** ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, **Қурвонтой Тожибоевич Каримбердиев** иккинчи котиб ва бюро аъзоси, **Кимё Муҳиддиновна Насриддинова** котиб ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Шунингдек, конференцияда ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотинг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПСС XXVIII съезди делегатлигига сайланиш учун ва юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия қилинди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди, ноҳия «Коммунизм учун» газетасининг муҳаррири тасдиқланди.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди. Пленум аввал ноҳия партия комитетининг ташкилий бўлимида инструктор бўлиб ишлаган Н. Мирзаалиевни комиссия раиси этиб сайлади.

**У. АБДУШОҲИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# МУСТАҲКАМ ЭЪТИҚОД КЕРАК

## ЛЕНИН НОҲИЯСИ

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик кўраркан, Ленин ноҳия партия ташкилоти марксизм-ленинизм ғояларига, социалистик қурилиш ишига, байналмилалчилик принципларига, барча миллатлар ва элатлар дўстлиги ҳамда биродарлигига ўзининг садоқатини билдиради. Инқилобий қайта қуриш ва жамиятнинг янгиланишига нисбатан партиямиз тутган йўлни, КПСС Марказий Комитетининг «Партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» ҳаракат дастури лойиҳасини тўла қўллаб-қувватлайди,— дейилади конференция тасдиқлаган Ленин ноҳия партия ташкилотининг келгуси даврга мўлжалланган фаолияти дастурида. Ноҳия партия ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишлари унинг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган V пленумида белгилаб олинган ва кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган эди. Муҳокама жараёнида коммунистлар ва партиясизлар бу тадбирни маъқуллаб кутиб олдилар ва дастур матнига ўн иккидан ортиқ зарур таклифлар киритдилар.

Ноҳия партия ташкилотининг ўтган ҳисобот давридаги фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Ташкилот ишида қандай янгиликлар бор? Ноҳия партия ташкилоти ўз ишини қандай қайта қурмоқда? Бу саволларга жавобларни биз ҳисобот маърузалари, келгуси ишлар дастури, конференция қабул қилган қарорлар, музокарага чиққан нотиқлар ва ўзаро суҳбатда бўлган делегатларнинг сўзларидан, фикр-мулоҳазаларидан излашга уриниб кўрдик.

Аввало шуни айтиш керакки, конференциянинг асосий ҳужжати — партия ташкилотининг ҳисобот матни кечикиб, анжуман очиладиган кун тарқатилди. Бу кўпчилик делегатларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар ҳисобот матни мазмуни билан чуқурроқ танишиб чиқиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолишди. Демакки, бу музокараларнинг янада қизғин ва ошкора ўтишига бирмунча салбий таъсир кўрсатди.

Мамлакатдаги сиёсий кескинлик, партияга нисбатан танқидий муносабат, унинг иқтисодиётга раҳбарлик фаолиятидан қониқмасликнинг энг биринчи сабаби иқтисодиётдаги танг аҳволдир. Партия мамлакатимиз бошига тушган ана шу оғир тангликни бартараф этиш, иқтисодиётга раҳбарлик ва уни бошқариш системасини буткул ўзгартириш, ислоҳ қилишга қарор қилди. Ноҳия партия комитети ҳам ўз ҳисобот даврида ана шунга амал қилиб келди. Масалан, шу беш йилликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 27—33 фоиз, меҳнат унумдорлиги — 35 фоиз, ишлаб чиқариш ҳажмининг анча ўсиши кўзда тутилган. Қурилишда меҳнат унумдорлигининг ўсиши — 15 фоиз қилиб, 351,8 минг квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш белгиланган.

Кўриниб турибдики, марралар жуда юқори. Уни амалга ошириш эса бор куч ва имкониятларни ишга солишни тақозо этди. Ноҳия партия комитети ана шу режаларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларига таянди, уларнинг ишини аниқ мақсадларга йўналтириб турди. Бошланғич партия ташкилотлари эса ўз навбатида ижтимоий масалаларга жиддий эътибор бера бошладилар, меҳнат кишиси ҳақида, унга энг яхши ишлаб чиқариш ва социал-маиший шарт-шароитлар яратиб бериш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳақида қайғурдилар. Шу ўринда «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг раҳбар коммунистлар, бирлашма жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган иши эътиборга лойиқдир. Янги техника ва Франциянинг «Кленкар-Ина» фирмаси технологиясини жорий этиш натижасида маҳсулот сифатини ошириш муаммоси муваффақиятли ҳал этилди. Бирлашма маҳсулотларига талаб ортди, фойда олиш кўпайди. Бу ўз навбатида социал-маиший муаммоларни ҳал этишга катта имкониятлар очиб берди.

Ноҳия партия комитети, унинг бюроси ва комиссияси кадрлар масаласига жиддий эътибор бериб келаяпти. Ноҳия партия комитетида олтита доимий комиссия ташкил этилган бўлиб, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари улардан доимий равишда ахборотлар олиб турадилар. Бу эса, жойларда жамоага ленинча раҳбарлик усулини рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим қадамдир.

КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан ноҳия партия комитети КПСС-га қабул қилишнинг янги шароитига ўтиш ишларини тажрибада синаб кўришга киришди. Эндиликда бошланғич партия ташкилоти партия аъзолигига номзодликка қабул қилиш масаласида тўла-тўкис ҳуқуқ олдилар. 1990 йилнинг 1 апрелидан шу кунга қадар янгича шароитда 67 киши партия аъзоси номзодлигига қабул қилинди. Шулардан 60 нафари хизматчи, 7 нафари ишчи ва 11 нафари хотин-қизлардир.

1989 йилда Ленин ноҳияси ўзининг 60 йиллигини нишонлади. Ноҳия партия комитетининг ташаббуси билан «Ветеран» комплекси, Ленин ноҳияси тарих музейи очилди.

Умуман олганда ўтган ҳисобот даврида Ленин ноҳиясини ҳар жиҳатдан комплекс ривожлантиришда маълум даражада силжишга эришилган. Аммо амалга ошмай қолган, ўз ечимини кутиб ётган муаммолар ҳам оз эмас. Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар ана шу мавзуда кескин ва муросасиз фикрлар изҳор этдилар.

— Тил масаласида Қонун қабул қилинганига ҳам анча вақт бўлиб қолди. Аммо унга амал қилиш ҳамон пайсалга солиб келинмоқда,— деди куйиниб экспериментал автомобиль ишлаб чиқариш корхонасининг кекса ҳайдовчиси **Н. Тожиев.**— Менгача минбарга чиққан ҳамма нотиқлар рус тилида сўз юритишди. Бу аҳволда давлат тили тўғрисидаги Қонун қачон амалга ошади?

— Ўзбек тилини ўқитиш, — дейди ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори **Л. Орипова,** — халқ таълими соҳасида ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Ноҳияда 16 та умумий таълим мактаби мавжуд бўлиб, шундан 2 таси ўзбек мактаби, 5 та мактабда эса таълим ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида олиб борилади. Бу ўқув йилида ота-оналарнинг хоҳиши билан 175-мактабда дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган синф очилди. 154-, 213-мактабларда эса, юқори синфларда араб тили ва эски ўзбек ёзуви ўқитилмоқда. 125-, 158-мактабларда ўзбек тили тўгараги очилган, ноҳиядаги ҳамма мактабларда ўзбек тили кабинетлари ишлаб турибди. Аммо ҳамма кабинетлар ҳам талаб даражасида жиҳозланган, деб бўлмайди. Ўзбек тили ўқитувчилари етишмайди, ўзбек тилини ўқитиш методикаси такомиллашмаган. Ўзбек тили дарсликлари, кутубхоналарда ўзбек тилидаги адабиётлар жуда танқис.

— Ноҳия партия комитети билан бирлашмамиз партия ташкилоти ўртасида яқин ҳамкорлик анча вақтдан буён давом этиб келади,—дейди «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби **И. Раҳмонов.**— Бир оғиз сўз билан айтадиган бўлсак, бу ҳамкорлик яхши самаралар бераяпти. Бирлашмамиз 1987 йил январь ойидан бошлаб давлат қабули шароитларида ишлаб келмоқда, айни вақтда ўз-ўзимизни маблағ билан таъминлашга ўтганмиз. Дастлабки вақтларда анча қийин бўлди, албатта. Ўшанда маиший хизмат биноларини ҳатто қайта ускуналашга маблағ тополмаган бўлсак, ҳозирги пайтда эса хўжалик ҳисоби йўли билан уй-жой қуриш, овқатланиш харажатларини корхона ҳисобидан қоплаяпмиз, ўз ходимларимизга маълум турдаги хизматларни кўрсатяпмиз, баъзи бир имтиёзлар ва ҳоказоларни белгилашда каттагина имкониятларга эгамиз.

Шаҳар телефон станцияси партия ташкилотининг котибаси **Г. Шамсиева** ва «Ташгоршвейбит» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси **М. Мирсаидова**лар ҳам янгича меҳнат шароитларига ўтиб ишлашнинг афзалликлари ва дуч келинган қийинчиликлар ҳақида тўхташди.

— Ноҳияда меҳнат интизоми ниҳоятда паст даражада,— деди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармасининг бошлиғи **В. М. Ким.**— 1989 йилда саноат ишлаб чиқариши корхоналарида 25,9 минг киши-куни йўқотилди. Агарда 1988 йили ноҳияда ҳар бир ишловчи ҳисобига 0,9 киши кунини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йилда 1,1 киши-кунига етди. Бундай аянчли ҳолни қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Шаҳримизда уй-жой муаммоси билан боғлиқ йирик ечимлар, хорижий мамлакатлар билан тузиладиган дадил ҳамкорлик шартномалари зарур. Биз шаҳар қурилишида илғор чет эл тажрибасидан фойдаланиб, уй-жой қурилиши суръатлари ва жараёнларини оширишимиз биринчи галдаги муҳим вазифадир.

2-микроучастка партия ташкилотининг котиби **А. Т. Передельская,** ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири **Н. Я. Сучкова** ва бошқалар партия Устави ва ҳаракат дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан илгари Тошкент вилоят партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг масъул ташкилотчиси бўлиб ишлаган **В. А. Чекмарёв** ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, **А. Абдураҳмонов** — ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган **И. Ҳ. Ниғматов** ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси, Тошкент шаҳар XXVII, Тошкент вилоят XXIV партия конференцияларига делегатлар сайланди. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегатликка номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия этилди.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг бўлиб ўтган пленумларида ноҳия партия комитети бюроси ва комиссия сайланди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири, конференция делегати.**

